

**Бухоро вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси тасарруфидаги Давлат аҳамиятдаги умумфойдаланув автомобил йўллари бўйича кадрларнинг малакасини ошириш**

**№ 1 М/О -сонли Ш А Р Т Н О М А**

" 7 " 02 2022 йил

Бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи Бухоро вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи Ш.М.Абдуллоев бир томондан ва бундан буён «Пудратчи» деб аталувчи Бухоро йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш илмий тадқиқот ишлаб чиқариш маркази УК номидан Низом асосида иш юритувчи директор М.А.Абдуллоев иккинчи томондан қуйидаги шартномани тuzдилар:

**1. Шартнома мазмуни.**

1.1. «Буюртмачи» ўз корхонаси мутахассис ва ходимларининг малакасини ошириш учун тасдиқланган режа жадвали асосида «Бажарувчи» ихтиёрига юборади, «Бажарувчи» ўз ўрнида тасдиқланган харажатлар нархномасига асосан тингловчиларни малакасини оширади.

1.2. «Буюртмачи» тўловни ўз вақтида амалга оширишни ўз зиммасига олади.

**2. Шартнома баҳоси ва тулов тартиби.**

2.1. Ўқувчиларни малакасини ошириш харажатлари ажратилган лимитга асосан 6 500 000 (олти миллион беш юз минг) сўмни ташкил қилади.

2.2. «Буюртмачи» шартномани имзолаб газначилик бошқармасидан утказгандан сунг шартноманинг туловлар жадвалидаги ойлик сумманинг 30 % миқдорида аванс маблағи тўловини амалга оширади ва ўқувчиларнинг малакасини ошириш бўйича далолатномаси тузилиб топширгандан сунг 5 (беш) банк куни муддатда қолган 70 % шартнома баҳосини «Бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Ўқув машғулотлари учун тўловни амалга ошириш баҳоси тасдиқланган харажатлар нархномаларига асосан бажарилган ишлар далолатномасига асосан тўланади.

2.4. «Буюртмачи», «Бажарувчи»нинг Шартномада курсатилган ўқиш харажатлари баҳоси 1 ўқувчига 1 ўқув курси учун (72-соатлик) дастур бўйича йўл фондидан ажратилган лимитга асосан 928 571 (тўққиз юз йигирма саккиз минг беш юз етмиш бир) сўмни ташкил қилади.

2.5. «Буюртмачи» қолган тўловларни ўқув машғулотларини амалга ошириш бўйича топшириш-қабул қилиш далолатномалари имзолангач, 10 банк куни мобайнида «Бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига кўчириш йўли билан ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

**3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

3.1. «Бажарувчи» :

- Ўқув машғулотларини белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси томонидан тасдиқланган режа жадвали асосида йўл ташкилотлари ходимларини малакасини ошириш дастурига асосан белгиланган ҳажмлар ва талаблар асосида юқори малакали ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда амалга оширади;

- керакли замонавий ўқитиш воситалари билан жамланган ва жиҳозланган хоналарда илғор ўқитиш технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб борилишни таъминлайди;

- йўл ишлари жараёнлари билан таништириш мақсадида амалий ва кўчма машғулотлар ташкил қилган ҳолда ўтказиши;

- муҳандис-техник ходимларни ўқитиш дастури, назарий ва амалий машғулотларга ажратилган ҳолда, машғулотларни олиб боровчи юқори малакали ўқитувчиларнинг фамилия, исми шарифи кўрсатилган ўқув тематик режа ва ўқув дастури асосида амалга оширади;

- ўқув машғулотларига қабул қилинган тингловчилар тўғрисида буйруқ ва бошқа маълумотлар талаб қилинади;

- малакавий битирув иш таркиби ва ҳажмига қўйилган талаблар ҳамда баҳолаш мезонларига риоя қилинади.

- «Бажарувчи» ҳар гуруҳ учун ўқув машғулотларини муваффақиятли тугаллаган тингловчиларга уларнинг фамилия, исми шарифи, рақами ва санаси кўрсатилган сертификатлар рўйхатини «Буюртмачи»га тақдим қилади.

3.2. «Буюртмачи»:

- ўз ходимини ўқиш давридаги интизоми, ўқув машғулотларга катнашгани, ўзлаштириш ва бошқа маълумотларни олиб туради;

- мутахассис ва ходимларининг малакасини ошириш бўйича белгиланган жадвал асосида ўқув машғулотларга етиб келишини ва қатнашувини таъминлаши, тасдиқланган режа асосида мутахассисларни ўқув машғулотларга юборишини назорат қилади;

- «Бажарувчи»га ўқув машғулотларини белгиланган ҳажм ва талабларга мувофиқ бажарилишида ёрдам кўрсатишни, шартномада кўзда тутилган тартибда тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

#### 4. Томонларнинг жавобгарлиги.

4.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи» уртасида тузилган шартномага асосан келган тингловчиларни қабул қила олмаса ёки тингловчилар учун шартномада кўзда тутилган шароитларни яратиб бера олмаса, у ҳолда тўланган тўловларни қоплашни таъминлайди.

4.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи»га, кўрсатган хизмати учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, ҳар бир кечикган кунга 0,4 % дан жарима ундирилади, аммо кўрсатилган хизмат суммасининг 50 %дан ошмаган миқдорда, «Буюртмачи» тингловчиларни ўз вақтида ўқув машғулотларга қатнашишини таъминлайди

#### 5. Яқиний шартлар.

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

5.3. Шартнома баҳоси Республика Молия Вазирлиги ҳузуридаги Йўл жамғармаси томонидан ажратилган лимит доирасида ўзгариши мумкин.

5.4. Шартномага иловалар: Калькуляция ҳужжатлари.

#### 6. Томонлар уртасида шартномавий низоларни ҳал этиш

6.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан хўжалик судларида ҳал этилади.

#### 7. Шартноманинг амал қилиш муддати.

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил « 31 » 12 дан 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

#### 8. Шартноманинг қонуний кучга кириши.

8.1. 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси қоидаларига” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан, шартнома тегишли тартибда Ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга қиради.

#### 10. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

##### Буюртмачи

Бухоро вилоят автомобиль йўллари АЙХББ  
Манзил: Бухоро шаҳри Ғиждувоний кўчаси 272 уй.  
Тел./факс (8365) 228-50-03  
Ш.Х.В: 3045 1086 0064 0170 4516 2118 001  
ИНН: 201188890 ОКОНХ: 97400  
Ғазначилик органи номи  
Бухоро вилояти буйича ғазначилик бошқармаси  
Ғазна х/р: 2340 2000 3001 0000 1010  
Банк: Тошкент ш.Марказий банк ХХКА  
МФО: 00014 ИНН: 201122919

Бошқарув: Ш.А.Абдуллоев

##### Пудратчи

Бухоро йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш  
илмий тадқиқот ишлаб чиқариш маркази УҚ  
Манзил: Бухоро ш. Ғиждувоний кўчаси 272 “а” уй  
Тел./факс: (8365) 228-52-35  
Х/р: 2021 0000 9003 0964 5001  
Банк: АТИБ “Ипотека банк” Бухоро вилоят бўл.  
МФО: 00088  
ИНН: 200856511  
ОКОНХ: 66000

Директор: М.А.Абдуллоев

Ҳуқуқшунос:

А. Шаронов

"7" 02 2022 йилдаги  
1 М/О шартномага 1-илова

Бухоро вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси ва Бухоро йўл ҳўжалиги ходимлари малакасини ошириш илмий тадқиқот ишлаб чиқариш ўқув маркази УК ўртасидаги "7" 02 2022 йилдаги 1 М/О сонли шартномага асосан Давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларида хизмат кўрсатувчи ходимларни малакасини ошириш бўйича

### БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Т/р	Иш тури	Ўлчов бирлиги	малака ошурувчи ходимлар сони	1 кишини ўқитиш пархи	Жами
1	Давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларида хизмат кўрсатувчи ходимларни малакасини ошириш	киши	7	928571,000	6500000,000
	Жами :		7	928571,000	6500000,000


Буюртмачи:

Ўздратчи:

Бухоро вилоят автомобил йўллари  
ҳудудий бошқармаси вакили :

Бухоро йўлчилар маркази УК "Йўл ҳўжалиги ходимлари  
малакасини ошириш" бўлими бошлиғи :

  
Х.Чўлиев

  
Д.Артикова



"Тасдиқлайман"

"Бухоро йўл хўжалиги ходимлари  
малакасини ошириш илмий-тадқиқот  
ишлаб чиқариш маркази" унитар  
корхонаси директори

М.А.Абдуллоев

1 " 10 2021 йил

"Бухоро йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш илмий-тадқиқот ишлаб чиқариш  
маркази" унитар корхонаси 2021 йилда малака ошириш нархномалари  
харажатлари ҳисоби

(сум)

№	Харажатлар номи	жами
1	<b>Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган туловлар</b>	<b>207401552</b>
1	Ойлик иш ҳақи	94487107
2	жорий мукофот	49662124
4	умумхалқ байрамлари	37521970
5	моддий ёрдам	4316217
6	йўл соҳасида меҳнат фаолияти	8875956
7	йил якуни буйича мукофот	4437978
8	кишлоқ хўжалик маҳсулотлари	8100000
II	<b>Ижтимоий муҳофаза 12 %</b>	<b>24888186</b>
1	хизмат сафари	15649200
2	концелярия харажати	8422000
3	асосий воситаларнинг эскириши	2895220
4	ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар	10721591
6	транспорт харажати	6069800
	<b>Жами</b>	<b>276047549</b>
III	<b>Давр харажати 29,70 %</b>	<b>81986122</b>
	<b>Жами:</b>	<b>358033672</b>
IV	<b>ҚҚС 15%</b>	<b>53705051</b>
	<b>Хаммаси:</b>	<b>411738722</b>
1	Режа буйича 2021 йил ўқув соати	1152
2	1 соат дарс нархи	357412
3	ўқув курси ( соат)	72
4	1 ўқув курсида тингловчилар сони	24
*	<b>жами 1 ўқувчи суммаси</b>	<b>1072236</b>

Бўлим бошлиғи - бош ҳисобчи : -

*Маш*

Ж.Нишонов

Ётақчи мутахассис : -

*Н.Хамроева*

Н.Хамроева

Йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш  
бўлими бошлиғи : -

*М.Армонова*

М.Армонова